241296

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 30 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 91 (6788)

**Даъват**

Ҳар доим одамлар янги нарсалардан қўрқиб яшайди. Лекин янгилик доим ғолиб келади.

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

**Ибрат**

Тошкент давлат техника университетида янги ташкил этилган бизнесменлик бошқарув факультети дастурларида маркетинг, молия ва кредит сохалари бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш кузда тутилган. Барча сарф-харажатларни Малайзиянинг «Рононт Бархад» фирмаси ўз зиммасига олди.

## АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАЯНЧИ

*Ўзбекистон — Туркманистон*

Узбек ва туркман халқлари бир дарёдан сув ичиб, асрлар давомида бир-бирини қўллаб, суяб, абадул-абад боғланган тарих, маданият, анъаналарни вужудга келтирган елкадош қардошлардир. Ана шу дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш бугунги кунда порлоқ истиқбол сари дадил одимлашнинг таянчидир. Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовнинг шу йил 27-28 ноябрь кунлари мамлакатимизга расмий ташриф ҳам шу мақсадни рўёбга чиқаришда янги босқич бўлди.

Тошкент аэропортида Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Сунгра Дурмонда Туркманистон Президентининг кутиб олиш расмий маросими бўлиб ўтди. Шундан кейин ҳар икки мамлакат раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Суҳбатда Узбекистон — Туркманистон ҳамкорлиги истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Дурмондаги қароргоҳнинг муҳташам залида ҳар икки давлат расмий делегацияларининг музокараларидан сўнг Узбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар давом эттирилди. Президентлар икки мамлакат халқларининг ҳамкорлик алоқалари ҳуқуқий асосларини кенгайтириш қон-қардошликни янада мустаҳкамлаш таянчи эканлигини таъкидладилар.

Узаро музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Узбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, Узбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабат тўғрисидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Узбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясини ташкил қилиш ҳақидаги протоколга имзо чекдилар.

Умуман, Туркманистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи ғоят самарали бўлди. Ҳар икки мамлакат Президентининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида қайд этилганидек, аввал имзоланган ва мазкур ташриф музокаралари якунида қўл қўйилган ўн икки ҳужжат Узбекистон — Туркманистон ҳамкорлигининг янги муҳим босқичга кирганлигини кўрсатади. Бу муҳим ҳужжатлар тарихи, маданияти, дини бир халқларимиз манфаатига мос тушади, қолаверса, бугунги кунда ҳар икки мамлакат бозор муносабатларига ўтиш жараёнида дуч келаётган баъзи қийинчиликларни ўзаро ҳамкорликда ҳал қилишга хизмат этади.

28 ноябрь куни дастлаб Дурмон қароргоҳида Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовни расмий кузатиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Туркманбоши Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат қолдирди, Алишер Навоий номли миллий боғга бориб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шу куни Туркманистон Президенти Хоразмга ҳам ташриф буюрди. Унга Узбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳ бўлиб борди. Президентлар қадимий ва қўҳна Хива шаҳри марказида туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқули ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашиб, митингда сўзга чиқдилар. Ҳар икки мамлакат раҳбарлари таъкидлаганидек, Махтумқули ҳайкалининг Хивада очилиши икки қардош халқлар дўстлигининг рамзигина бўлиб қолмай, миллатларимиз тарихи, маданияти ва анъаналари бир-бири билан абадул-абад боғланганлигини ҳам кўрсатади.

Шу куни Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов Урганчдан ўз ватанига жўнаб кетди. Уни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

**СУРАТДА: Тошкент аэропортида икки давлат раҳбарларининг учрашуви.**

**ЎзА олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга нафақаларни ва аҳолига тўланадиган энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловларни ошириш мақсадида:

1. 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Узбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сум этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига, пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосан 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаб амалга оширилади.

3. Узбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар 1996 йил 1 декабрдан жорий этиладиган иш ҳақининг энг оз миқдоридан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ва пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Иш ҳақига, пенсияларга қўшимча ва устама ҳақларни ошириш, шунингдек, нафақалар ва бошқа тўловларни кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети, ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплансин.

5. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Узбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1996 йил 26 ноябрь.**

## УЧРАШУВ

Республика ёш қаламкашларининг бу йилги мушоираси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари билан учрашуви билан бошланди. Ҳозирда таълим-тарбия соҳаси бўйича тинмай ижод қилаётган ва уларга ҳавас билан боқиб турган, сермашаққат ижод йўлининг бошида турган болакайларнинг ўзаро мулоқоти жуда қизиқарли бўлди. Муҳаррирлар ўз нашрлари ҳақида ҳикоя қилиш баробарида беғубор ёшлик даврларини энтикиб эслашди. Ёш қаламкашлар эса ўзларининг содда ва шу билан бирга маъноли шеърларидан ўқишди. Хуллас, катталар бир зум ўзларини боладек, ёшлар ўзларини анча улғайгандек ҳис этишди.

Учрашувнинг иккинчи куни шаҳримиздаги Нафис санъат лицейида қизиқарли саҳна кўринишлари, суҳбатлар, латиф шеърлар ўқиш билан ёш қаламкашларнинг мушоираси давом этди. Биз бу хусусда газетамизнинг келгуси сонларида батафсил ҳикоя қилиш ниятидамиз.

**Алишер Назар.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 декабрь кунлари Лиссабонда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти иштирокчилари бўлган мамлакатлар давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этишади.

x x x

Шу йилнинг 1996 йил 26 ноябрида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

x x x

Тошкентда «Бизнес, экология ва саломатлик» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни «ЭКОСАН» жамғармаси ва республика бизнес-инкубатори ташкил этди.

x x x

Толиблар Афғонистон пойтахтини бутун қиш давомида ушлаб туриш ниятидалар. Бу жаҳон ҳамжамияти уларни тан олишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

x x x

Хевронда Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиш борасидаги музокараларда сезиларли силжишга эришилган бўлса-да, Фаластин раҳбари Ясир Арофат Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидаги қишлоқлардан Исроил қўшинлари келгуси йил олиб чиқиб кетилиши ҳақида ҳукумат бошлиғининг ёзма кафолатидан сўнггина ўзаро шартномага имзо чекажагини айтмоқда.

x x x

Женевада бўлиб ўтаётган Биологик қурол бўйича конвенцияда қатнашувчи давлатлар конференциясида бу қуролни тақиқлаш тўғрисидаги битим амалийлиги ва уни кучайтириш масалалари кўрилмоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон бу халқаро шартномани кучайтириш билан боғлиқ ишларни 1998 йилда якунлашни таклиф этмоқда.

*Муносабат*

## НОН — АСЛИ ДОН

Яқинда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чиқди. Мамлакатимиз ғаллазорларида кузги буғдой нишоналаб, келгуси йил ҳосилидан илк дарак бера бошлаган паллада бу қарорнинг чиқиши бежиз эмас. Негаки не-не машаққатлар эвазига экилган буғдой — халқимиз ризқ-рузи кимнингдир бепарволиги ёки бўлмаса ношудлиги билан бир баҳяда қийилиши мумкин. Шу каби ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда деҳқонлару раҳбарларни бу ишга жиддий эътибор беришга даъват этувчи бу қарор ўз ўрнида халқ таълими ходимлари зиммасига ҳам муҳим истиқбол вазифаларини юклайди. Зеро, эртанги ер эгаси — деҳқон, раҳбар, мутахассис бугун болалар боғчасида, мактабларда, олий ўқув юртларида тарбияланмоқда, таълим олмоқда. Уларнинг олаётган тарбияси, билими келажакда меҳнатга, халқ ризқ-рўзига, қолаверса ўз Ватани ободлигига муносабатида аксини топади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, бир маромда ўсиб бораётган ҳозирги кунда Президентимиз томонидан маънавиятга, миллий қадриятларга алоҳида эътибор берилаётгани замирида ҳам айнан шу маъно ётади. Инсон камолотининг чинакам чўққисига чиққан, маънан етук аждодларимиздан қолган адабий меросларидан, халқимиз урф-одатларидан айнан нонга таллуқли олам-олам маъно кашф этамиз. Улар бугунги ёшларни тежамкорликка, нон қадрига, қолаверса уни етиштираётган деҳқон меҳнати қадрига етадиган қилиб вояга етказишда ҳар бир ота-онага, педагогга асосий манба бўлмоғи лозим.

Мустақил Узбекистон учун ғалла мустақиллигига эришиш аҳамиятини ўқувчилар, талабалар онгига сингдириш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири. Президентимизнинг бу борада қилган маърузалари, халқ депутатлари вилоят сессияларида айнан шу масаланинг алоҳида муҳокама этилаётгани бу борада сабоқ вазифасини ўтайди. Бу каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган кишидан ҳеч қачон «бепарво, масъулиятсиз, ижро интизоми паст» раҳбар, мутахассис ёки деҳқон чиқмайди. Шу билан биз ҳозирда юз бераётган ноҳуш ҳолларнинг келажакда такрорланмаслигини таъминлашга хизмат қиламиз. Республикамиз ҳукуматининг нафақат бугуни, балки келажакни кўзлаб чиқараётган бу каби қарорларини оғишмай амалга ошириш ҳар бир тарбиячидан, маорифчидан сидқидилдан меҳнат қилишни, ўз фаолиятини изланиш, ижодкорлик каби хислатларга асосланган тарзда ташкил этишни талаб этади.

**Абдусамат РАҲИМОВ.**

***27 ноябрь куни Тошкентда олий ўқув юртлари, малака ошириш муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги иштирокида ўтказди. Унда Ўзбекистон Президентининг янги давр ходимларини тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги кўрсатмалари асосида таълим соҳасида педагог ходимлар малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.***

## МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

Кенгашда республикамизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг тез ривожланиши билан таълимнинг ҳамон сақланиб турган анъанавий шакллари ва мундарижаси ўртасида, халқ хўжалиги тармоқларининг янги тоифадаги мутахассисларга эҳтиёжи билан ҳозирги вақтда уларни тайёрлаш сифати ўртасида зиддиятлар мавжудлиги қайд этилди. Бу биринчи навбатда профессор-ўқитувчилар таркибининг касб маҳорати ҳозирги талабларга қанчалик мос келишига, ўқув режалари, дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликларнинг сифатига боғлиқлиги, уларнинг кўпида умри тугаган тоталитар тизимнинг излари сақланиб қолингани таъкидланди.

Бир қанча ўқув юртларида ўқитувчиларнинг самарали, ижодий ишлаши учун шароит яратилмаган. Олимлар мамлакатимизнинг вақт жиҳатидан қисқа, мазмунан бой янги тарихида юз бераётган жараёнлар аниқ акс эттирилган янги ўқув адабиётларини яратишда фаол иштирок этмаётир лар.

Кенгашда ўқувчи ёшларни тарбиялаш масалаларига, таълимнинг ватан мустақиллиги мафкурасига асосланган янги шаклларига кўп эътибор берилди. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини тарбиялашда фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Ижро интизомининг бўшлигига, барча бўғиндаги таълим тизими раҳбарларининг маъсулиятига, уларнинг бир қисми тафаккурнинг эски қолипларидан қутула олмаётганига жиддий эътибор қаратилди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

*Дарсларни кузатганда*

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Биринчи соат дарсининг деярлик ярми ўтганда синф эшиги ғийқ этиб очилди. Улмас ака «ялт» этиб эшикка қаради.

— Мумкинми? — деди секингина Шариф (муаллимнинг илтимосига кўра ўқувчининг исми ўзгартирилди).

Янги мавзуни тушунолмай қолмасин, деган фикр хаёлидан ўтган Улмас ака:

— Ҳа, кира қол, — деди.

У. Маннопов «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан сабоқ берарди. Аввалги дарсда ўтилган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари»ни якунлагач, янги дарс — «Жиноят ҳуқуқи» мавзусини ўқувчиларга воқеий мисоллар билан баён этди. Ҳамма жон қулоғи билан Улмас акани тингларди.

Дарсни ўтиб бўлган Улмас ака ўқувчиларнинг саволларига жавоб берди, тушунмаган жойларини такрорлашдан эринмади. Сунгра дарсни мустаҳкамлаш ҳамда илм толибларининг мавзуни қанчалик ўзлаштирганликларини билиш мақсадида ўқитувчи савол берди:

— Қани болалар, ҳуқуқбузарлик нима? Жиноят нима?

— Иккаласи бошқа-бошқа маъно касб этади, — деди Акмал, — ҳуқуқбузарлик қонунни билмаслик натижасида ножўя ҳаракат содир этишдир ва бу жиноятга олиб келади. Масалан, вояга етмаган бола спиртли ичимлик ичди дейлик. У ҳуқуқбузарликка киради. Спиртли ичимликни ичгандан кейин бировни урса, жиноят содир этган бўлади.

— Балоғатга етмаган болалар неча ёшдан жиноий жавобгар ҳисобланади?

— Ун олти ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган болалар жиноий жавобгар бўлади. Оғир жиноят қилсаю, 16 ёшга тўлмаган, яъни 14 ёшда бўлса ҳам жавобгар бўлади, — деб жавоб берди Дилдора.

**(Давоми 2-бетда)**

## МММ ХАБАРЛАРИ

### АМАЛИЙ АНЖУМАН

«Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази Сирдарё вилояти бўлими ва Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида республикамиз Конституциясининг тўрт йиллигига бағишланган «Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий тарбия» мавзусида амалий анжуман ўтказилди.

Унда шаҳар ҳокими ўринбосари Тўхтахон Қосимова, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Комилжон Хушвақтов, шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳининг нозири Рўзимурод Бозоровлар сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия олиб боришнинг йўл-йўриқлари ҳусусида тўхталиб ўтишди.

### ФИТРАТ — ЭРК ЖАРЧИСИ

Яқинда Навоий туманидаги Беруний номидаги 5-гимназия мактабида Фитрат таваллудига бағишлаб «Фитрат — эрк жарчиси» мавзусида анжуман ўтказилди.

Йиғилишда мактабнинг илғор ўқитувчилари — Муҳаббат Қурбонова, М. Абдуллаева, Ш. Тошиевалар сўзга чиқиб, Фитрат ижодининг ҳали бизга унчалик маълум бўлмаган қирралари ҳақида гапирдилар.

### «ТАФАККУР» МУХЛИСЛАРИ ОРАСИДА

Тошкент давлат университетида «Тафаккур» журнали таҳририяти аъзолари билан учрашув кечаси бўлди. Учрашувда филология, журналистика факультети талабалари қатнашдилар. Кечани филология фаультети декани Абдуғаффор Расулов кириш сўзи билан очиб, севимли журналимиз ҳақида тўхталди.

Учрашув мобайнида тўпланганлар журналистика факультети декани муовини Бойбўта Дўстқораев, адабиётшунос олим Умарали Норматов, журналистика факультети илғор талабалари сўзга чиқиб, журнал ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

**МУАЛЛИФЛАР: З. ҒАФФОРОВА, Х. ҚУРБОНОВА, Ш. ҚОРАЕВ.**

*ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА*

## ТАҲЛИЛ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан кенг ва чуқур таҳлилий ахборотлар тингланди, муҳокама этилди. Қаердаки, таҳлил бўлса, уша жойда ривожланишга шароит вужудга келади. Негаки, таҳлил натижасида ютуқлар билан бирга унга тўсиқ бўлаётган нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол намоён бўлади.

Айниқса, «Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг 1996 йилги якунлари ва шу аснода умумий таълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, таълим муассасаларининг вазифалари ҳақида»ги биринчи масала муҳокамасида ана шундай таҳлил кузатилади. Бунда аввало Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳиддиновнинг ахборотини таъкидлаш жоиз. Унда 1996 йилда ҳужжат топширган абитуриентларнинг тўплаган баллари «ҳам энига, ҳам бўйига» чуқур таҳлил қилинган. Бунда нафақат вилоят, туманнинг, балки ҳар бир мактабнинг, ўқитувчининг даражаси баҳоланган. Қандай қилиб, деган саволимизга жавобимиз оддий. Дейлик бир мактаб битирувчиларидан 10 нафари олий ва ўрта махсус ўқув юртига аввало ҳужжат ва, албатта, имтиҳон топширди. Абитурентга берилган саволлар аниқ, шунингдек абитуриентнинг жавоблари ҳам маълум. Энди компьютер орқали уни ҳар томонлама тарозига солиб кўриш мумкин. Айтайлик у учта фандан 108 та саволга жавоб берган. Саволлар шундай тузилганки, унга берилган жавоблар абитуриентнинг билимини белгилаш орқали у ўқиган мактабга, ўқитувчисининг билим бериш савиясига ҳам баҳо беради. Қолаверса, ўқитувчи ўз фанининг қайси бобларини яхши ўтмаганлиги ҳам маълум бўлади.

Демак бу таҳлиллар ҳар йили турли баҳоналар билан масъулиятдан қутилиб кетаётган айрим вилоят, туман халқ таълими бошқарма ва бўлимларига, мактаб директорлари ва муаллимларига аҳволни ошкор баён қилиб, нималар устида ишлаш лозимлигини ҳам кўрсатиб беради. Энди ҳамма гап Давлат тест маркази томонидан чиқарилган ана шу таҳлилий китобларни вилоят бошқармалари, туман (шаҳар) халқ бўлимлари раҳбарлари, мактаб директорлари, методистлар, аспирант ва докторантлар олиб, ўзларининг иш даражаларини билишлари ва лозим бўлган тадбирларни амалга оширишларида қолди.

Ҳайъат йиғилишида Давлат тест марказининг директори М. Муҳиддинов ахбороти инобатга олинди. Бухоро халқ таълими бошқармаси (С. Баҳронова), Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (Ҳ. Йўлдошев), Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси (М. Жуманиёзов)нинг абитурентларнинг 1996-97 ўқув йилида олий ўқув юртларига кириш тест-синовларига тайёрлашдаги ижобий ишлари таъкидлаб ўтилди. Қорақалпоғистон республикаси ХТВ (Т. Атамуратов), Сурхондарё (Р. Турсунов), Жиззах (Б. Шарипов), Навоий (А. Саъдинов), Сирдарё (С. Ғуломова) халқ таълими бошқармаларига қарашли ўқув муассасаларида тест-синовлари бўйича физика, математика, химия, чет тиллари фанларининг ўқитилиши талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди ва икки ой муддат ичида шу фанларни ўқитилиши аҳволини ўрганиб чиқиш, махсус муҳокама этиш ва тегишли чора тадбирлар белгилаш топширилди. Шу билан бирга барча вилоят халқ таълими бошқармаларига шунга боғлиқ кўрсатмалар берилди ва бунинг ижроси шу ишга масъул мутасаддди раҳбарлардан сўралиши таъкидланди. Хусусан барча фанларни, айниқса, физика, математика, химия фанларини ўқитиш сифати ва мазмуни устидан назоратни кучайтириш, ота-оналар хоҳиши билан «Якшанба мактаблари»ни ташкил этиш ва бу борада вилоятлардаги тест маркази билан кенг ҳамкорликда ишлаш қарорда алоҳида кўрсатилди.

Ҳайъат йиғилишида «Хоразм вилояти умумтаълим мактабларида иқтисодий билим асосларининг ўқитилиши аҳволи ва уни яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги масала ҳам кенг муҳокама этилди. Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг бу борада олиб бораётган ишлари етарли эмаслиги таъкидланди ва муаммоларни бартараф этиш чора тадбирлари белгиланган қарор қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1997 йилги иш режаси ҳам тасдиқланди.

Йиғилишни ҳайъат раиси, Узбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

Мухбиримиз.

**ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳайъат йиғилишида кўтарилган масалалар, хусусан Давлат тест маркази ахбороти ва унинг халқ таълими учун аҳамиятини тушунтириб берадиган, чуқур таҳлилли ва энг асосийси жойлардаги ишни ташкиллаштиришга кўмаклашадиган мақолалар бериб боришни режамизга киритдик.**

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Оғир жиноятга нималар киради?

— Жиноятнинг ҳар хил турлари бор, — деди Акром. — Енгил ва оғир жиноят. Оғир жиноятга қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, номуса тегиш, болаларни ўғирлаш, босқинчилик, талончилик сингари жиноий ишлар киради. Бундай жиноятни содир этган кишилар, албатта, жазоланади ва қамалади.

Ўлмас ака жиноят содир этган шахсларнинг жинси, миллати ва қайси динда бўлишидан қатъи назар қонун олдида жавобгар бўлишларини таъкидлагач, фаол жавоб берган ўқувчилар билимини баҳолади. Шу пайт танаффусга чиқиш учун қўнғироқ чалинди.

Муаллим синфдан чиқаётиб, нимадир ёдига келди шекилли, дарсга кечикиб келган ўқувчига деди:

— Шариф, охирги соатдан кейин менга учрагин, ҳалиги тўгаракда ўзинг танлаган мавзу бўйича суҳбатлашиб оламиз.

Шариф дарс тугагач, устози ҳузурига келди.

— Келдингми, яхши, қани ўтир, — деди Ўлмас Маннопов. Кейин оҳиста сўради: Саломатлигинг яхшими? Уйдагилар тинчми? Сен ҳеч қачон дарсга кечикмас эдинг-ку?

— Ухлаб қолибман, — деди Шариф.

— Барвақтроқ ётсанг, ухлаб қолмасдинг, — деди муаллим.

Ўлмас акага ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, ундан бирон нарсани сир тутмаган Шариф ҳозир отаси ҳақида бир нима дейишга истиҳола қилди. Сўнгра: «Йўқ, Ўлмас акамдан яширолмайман, тўғрисини айтишим керак» деган фикр хаёлидан ўтди.

— Кеча дадам укам билан менинг устимиздан қулфлаб, ўзлари ғойнилари билан видео кўришди. Мен эса қанча вақтгача ухлай олмай ётдим. Кейин тонгга яқин ухлаб, кечроқ туриб қолибман, — деб ҳомуш жавоб берди Шариф.

— Даданг жуда тўғри йўл тутибди. Балки сенинг кўришинг мумкин бўлмаган видеофильм бўлгани учун шундай қилгандир, — деди Ўлмас ака. Ўқитувчи сўзидан сўнг Шариф ўзини тутиб олди. Разм солиб, пайқаган Ўлмас ака гапни бошқа мавзуга бурди:

— Ҳа, айтгандай, сен иштирок этган Собир Раҳимов тумани судидаги балоғат ёшига етмаган болалар томонидан содир этилган жиноий ишлар кўрилган очиқ суддан чиқарган фикр-мулоҳазангни рефератингга ёзиб қўйиш хотирангдан чиқмасин-а. Муаллим Шарифга жавоб бергач, бироздан сўнг ёнидаги қизил дафтарчасига Шарифнинг ота-онаси билан гаплашиб олиш лозимлигини қайд этиб қўйди.

Ҳа, Ўлмас Маннопов пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги Илҳом Одилий номли 95-тўққиз йиллик таянч мактабда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан сабоқ беради. У ҳар бир дарсни мазмунли, қизиқарли мисоллар асосида тушунтиради. У талабалар билан суҳбатлашганида гўёки яқин дўстларидек муомалада бўлади. Ҳар бирининг характерига мослаб дилига йўл топа олади. Шунинг учун ҳам бўлса керак, ўқувчилар унинг дарсини қолдирмасликка ҳамда бироз бўлса-да дарсдан кечикмасликка ҳаракат қиладилар.

Зиё масканида «Ҳуқуқшунос» стенди чиқарилган. Унда Конституция — халқимиз саъй-ҳаракатининг натижаси, мустақиллик туфайли қандай байрамларга эришилгани, жиноят ва жазо турлари сингарилар ҳақида фикр юритилади. Шуларни ўқиган ўқувчи арзимас ҳисобланган ножўя ҳаракат ҳам иззиз қолмаслигини ҳис қилади. Шунингдек, билимгоҳда тажрибали педагог Ўлмас Маннопов раҳбарлигида «Ҳуқуқшунос» тўгараги ҳам фаолият кўрсатаётир. Мазкур тўгаракда 11 нафар ўқувчи иштирок этади. Болалар ўзлари балоғат ёшига етмаган усмирларни ҳуқуқбузарлиги, матбуотда ўқиган, радио-телевиденеда кўрган-билганларини мунозали баҳсларда дарҳол устозлари билан муҳокама қиладилар. Айрим муаммолар туман миқёсидаги далилларга таққослаб прокуратура, адлия ходимлари иштирокида муҳокама қилинади.

— «Қаерда қонун кучли бўлса, ўша ерда адолат бўлади», деган соҳибқирон бобомиз Амир Темур, — дейди Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ўлмас Маннопов. — Қонун ҳамма учун баробар. Уни билиш ва унга бўйсуниш лозим. Қонунни бузишга асло йўл қўймаслик керак. Ана шундагина қонун устворлигига эришамиз. Шуларни ўқувчиларим онгига имкон қадар сингдиришга ҳаракат қиламан.

Билим ўчоғида 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни яқинлашаётгани муносабати билан «Бахтимиз таянчи» мавзусида стенд тайёрланди. Мазкур санани муносиб кутиб олиш учун эса тараддуд кўрилаётир.

— Ўлмас Маннопов ёшларга таълим-тарбия беришдек масъулиятли, машаққатли ва айни чоғда шарафли касбда жонкуярлик билан хизмат қилаётганига 36 йил бўлди, — дейди мактаб директори Дилдора Орипова. — Хоҳ ўқитувчи, хоҳ ўқувчи бўлсин, улар қалбига йўл топа оладилар. Ўқувчилар доимо унинг атрофида. Улар гоҳ у, гоҳ бу саволлар билан муаллимга мурожаат қилиб, қонуннинг ўзига хос сирларидан янада кўпроқ билим олишга ҳаракат қиладилар.

Озод ва обод диёримизнинг порлоқ келажагини бунёд этувчи ёшларни тарбиялашда, ларга ҳуқуқий билимларни сингдиришдек масъулиятли вазифани адо этишда жонқуяр устоз Ўлмас Манноповга ҳамиша омад ёр бўлаверсин.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

## МУАЛЛИМЛИК ШАРАФИ

1981 йил 24 ноябрида турк халқининг доҳийси, Туркия Жумҳуриятининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк таваллудига 100 йил тўлди. Табиийки, бу бугун мамлакатда катта байрам қилинди.

Эътиборли томони шундаки, ана шу тантаналарда халқ доҳийси таваллуди кунини ҳар йили мамлакатда ўқитувчилар куни сифатида нишонлашга қарор қилинди.

Ўзбекистон бугун ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда кенг ислоҳотлар ўтказиш йўлида дадил одимлар ташлаяпти. Бундай халқ тарихида улкан аҳамиятга эга ўзгаришларни янги авлод тарбиясисиз амалга ошириш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам 1997 йилдан эътиборан мамлакатимизда 1 октябрни ўқитувчилар ва мураббийлар куни сифатида байрам қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони чиқди.

Энди эса ўқитувчилар куни бутун мамлакатда чинакам байрам сифатида дам олиш куни ҳисобланади.

Яқинда Тошкентдаги «Академик» ресторанида Туркия ўқитувчилари куни муносабати билан ўтказилган маросимда шулар ҳақида сўз борди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти давлат мадҳиялари ижроси билан бошланди. Маросимда Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги бош элчиси Эрдуан Айтун жаноблари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашди ва нутқ сўзлади. Тантанада Туркия Жумҳуриятида фанлар бўйича ўтказилган жаҳон олимпиадасида қатнашиб, ғолиб чиққан бир гуруҳ ўзбекистонлик ўқувчиларга дипломлар топширилди.

Байрам кечасида турк ва ўзбек халқларининг мароқли куй ва қўшиқлари янгради.

**Илҳомжон РАҲМОНОВ.**
**«Жаҳон» Ахборот агентлиги.**

## «ТЎГАРАК РАҲБАРИ — 96»

Бухоро шаҳридаги 2-болалар ижодиёти марказида «Тўгарак раҳбари — 96» кўрик-танлови ўтказилди.

Зардўзлик, кулолчилик, каштачилик сингари санъат турларига доир кўрик-танлов шартларига қатнашчилар аниқ ва пухта жавоб қайтардилар.

Кулолчилик тўгараги раҳбари Замира Жўраева ўзининг нафис ишлари ва касб-корига дахлдор аниқ жавоблари билан биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ва танловнинг навбатдаги вилоят босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қатнашчилардан Зулхумор Қосимовага иккинчи, Мусаллам Гуловага учинчи ўрин насиб этди.

**Дилмурод ЖАББОР.**

*Махсус таълим муаммолари*

# ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

***Маълумки, бундан икки ҳафта муқаддам Тошкентга ЮНЕСКО экспертлари ташриф буюрган эдилар. Улар иштирокида махсус таълим масалаларига бағишланган анжуман бўлди. Бу ҳақда газетамизда мақолалар чоп этилди. Ва ниҳоят, дефектологларнинг ўн кунлик семинари ҳам якунланди. Хулоса қандай? Махсус таълимнинг жаҳон миқёсида қўллаш мумкин бўлган қандай тажрибалари мавжуд? Умуман, ЮНЕСКО экспертлари биздан нима ўрганишди? Бизнинг мутахассисларимиз улардан нима олишди?***

***Жавоблар шу ҳақда. Республика Таълим маркази махсус таълим лабораторияси мудири, педагогика фанлари номзоди Рихсинисо Шомаҳмудова мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:***

— ЮНЕСКО экспертлари Янги Зеландия, Голландия, Ҳиндистон давлатларидан келишди. Ташаббускор ўзимиз бўлдик, яъни республика халқ таълими, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш вазирликлари бу семинарни Тошкентда чақириш тарафдорлари эдилар. Бу махсус таълимни такомиллаштириш эҳтиёжи билан боғлиқ. Чунки ҳозирги вақтда туғма ногирон, кўзи ожиз, эшитиш қобилияти суст, ақли заиф бўлиб дунёга келган болалар бизда анчагина.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев семинарда қуйидагиларни қайд этиб ўтди: «Ўтган беш йил мобайнида умумий ва махсус таълим мазмуни янгиланди. Ўзбекистонда ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реабилитация қилиш мақсадида концепция, 2000 йилгача мўлжалланган истиқбол режалари ишлаб чиқиляпти. Ёрдамга муҳтож болаларнинг таълим-тарбиясида муаммолар бир талай. Бизда ногирон болалари бўлган оилаларда буни сир сақлаш, маълум қилмаслик ҳоллари мавжуд. Бу ёмон. Болани илк ёшидан соғлиғини аниқлаш (диагностика) ўз вақтида реабилитация қилиш ва таълим-тарбияга қамраб олиш, ўқитиш жараёнида ҳам айрим қийинчиликлар бор. Махсус таълим-тарбияга қамраб олинганлар сони 30 фоиздан зиёд. Маълумки, 1993-1996 йиллар давомида ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ВИЖН, ИНТЕРНЕШНЛ халқаро жамоатчилик ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўртасида тузилган шартномага биноан бир гуруҳ дефектологларимиз Буюк Британия, Австрия, Голландия, Непал, Жанубий Корея, Япония, Исроил давлатларида ўтказилган халқаро семинарларда фаол қатнашиб, ногиронлар билан ишлаш услублари билан танишган эдилар.

Австрия давлатининг Вена шаҳрида 1995 йил декабрь ойида бўлиб ўтган семинар ҳам «Ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим мактабларига бириктириб ўқитиш» мавзусига бағишланган эди. Семинар давомида биз Ўзбекистонда мавжуд бўлган махсус дифференция таълим тизими ва мазмуни билан уларни таништириб, ўзимизнинг тажрибаларимиз билан ўртоқлашгандик. Шу асосда республикамизда махсус таълим тизими ва мазмунини давр талаби даражасида такомиллаштириш, ривожланган хорижий давлатлардаги янги педагогик технологиянинг қулай томонларини қўллаш мақсадида ушбу семинарни ташкил этдик.

Семинар халқаро экспертлар Джеймс Броди (Янги Зеландия), Хендрен Мат (Голландия), Ану Ахуджа (Ҳиндистон) кабилар раҳбарлигида ташкил этилди. Ногирон болаларни умумтаълим мактабларига жалб қилиш мумкин, деган хулоса яна бир карра тан олинди. Дунё миқёсидаги бу усулни интеграция деб аташади.

Семинар давомида ЮНЕСКОнинг эксперти жаноб Броди, Ахуджа хоним, Хендрен Мат хонимлар Ўзбекистонда интеграция таълимини жорий қилиш мумкинлигини айтишди. Чунки 60 дан зиёд мамлакатларда бу усул жорий қилинмоқда. Шунингдек, улар бизнинг фикримизни эшитиш учун бир неча саволлар, топшириқлар, тестлар беришди. Масалан, «Ногирон» болани қандай ва қайси тартибда умумтаълим мактабларига жалб қилиш мумкин?», «Ўқитувчининг ўқувчи билан ишлаш турлари ва усуллари ҳақида нима биласиз?», «Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, мутахассисларни тайёрлаш» «Умумтаълим мактабларида енгил турдаги ёрдамга муҳтож болаларни ўқитиш имкониятлари, шароитларини қайта кўриб чиқиш», «Очиқ таълимни ҳаётга жорий қилишда ота-оналар, жамоатчиликнинг вазифалари», «Таълимни комплекс равишда қўллаш бизнинг шароитимизга нечоғлик тўғри келиш-келмаслиги» ва ҳоказо.

Семинарнинг кейинги кунлари, айниқса, қизғин ўтди. Қатнашчилар интеграция муаммолари билан боғлиқ масалалар хусусида фаол баҳс-мунозаралар юритишди. Ногирон болани умумтаълим мактабларида ўқитиш учун қандай шарт-шароитлар яратиш зарур? Ўқитувчи ёрдамга муҳтож болаларни қандай услуб ва воситалар ёрдамида ўқитиши мумкин? Ёрдамга муҳтож болаларга таълим-тарбия беришда синф ва мактаб иш фаолиятини қандай ташкил этиш керак?. Режа, таклиф ва кўрсатмаларнинг кўплигидан биз шошиб қолдик.

Семинар давомида унинг иштирокчилари маълум гуруҳларга бўлинишди. Масалан, касб ёки маълум ҳудудлар бўйича ташкил қилинган мунозараларда мутахассис дефектологлар ногирон ўқувчилар ролига киришди. ЮНЕСКОнинг экспертлари эса ўқитувчи бўлиб роль ўйнашди. Улар натижасида юз бераётган эзгу ишларда унинг директори, Ўзбекистон ҳунар таълими аълочиси Юсуф Бердиевнинг ҳам катта хизматлари борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Юсуф ака бундан 19 йил илгари оддий ўқитувчи бўлиб ишга келган эди. Мана, ўн йилдирки, у билим юрти директори сифатида ўзининг бутун куч-ғайратини, ташкилотчилик маҳоратини ёшлар тарбиясига, уларнинг касб-ҳунар эгаллашига бағишлаб келаётир.

**Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.**

*Ҳунар-техника билим юртларида*

# ОЙДИН ЙЎЛДАГИ ИЛК ОДИМЛАР

Юсуф ака бугун ҳам ҳар галгидек хонасига барвақт келди. Стулга ўтириб қилинажак ишларни режалаштира бошлади. Унинг доимий одати шунақа: бир ишни қилишдан илгари ҳар томонлама ўйлаб кўради, кўзи етмайдиган ишга ҳеч қачон уринмайди. Шу туфайли бошлаган иши доимо муваффақиятли чиқади.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан юзага келган вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар ҳунар-техника билим юрти директори Юсуф Бердиевни ҳам анча ўйлантириб қўйди. Негаки, у раҳбарлик қилаётган жамоада 25 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси, 19 ўқитувчи, 39 ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг кўнгилдагидек ишлашлари, бу ерда ҳунар ўрганаётган ёшларга ғамхўрлик кўсатишлари, чинакам таълим-тарбия бериб, ҳунар ўргатишлари учун жамоадагиларнинг барчаси ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак. Ҳозирги ойлик маошлар рўзғор тебратишга камлик қилиши шубҳасиз. Чунки, нарх-наво осмонда. Шундай экан, Президентимизнинг оқилона сиёсатидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик йўлини тутган маъқул. Юсуф ака ҳам ана шу йўлдан борди.

Директор билим юртида турли хилдаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва уни аҳолига сотиш ташаббусини кўтариб чиқди. Жамоадагилар унинг бу фикрига якдиллик билан қўшилдилар. Ўз навбатида вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Мана, дастлабки натижалар ёмон бўлмаяпти. Билим юртининг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ жамланяпти. Бу маблағлар, айниқса, билим юртининг тикувчилик, қандолатчилик, таъмирловчилик, зардўзлик гуруҳлари томонидан тайёрланган маҳсулотларни аҳолига сотиш эвазига тушаётир. Бу маблағнинг маълум қисми иқтисодий ҳимояга муҳтож ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси ва ишчи-хизматчилар маошига қўшиб берилмоқда. Ўз навбатида жамоа ҳам бу ерга таҳсил олиш, ҳунар ўрганиш учун келган ёшларга касб ўргатишда куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини аямаётир. Юсуф ака ана шуларни ўйларкан, ўз ишидан кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди...

Оқтош шаҳридаги 29-ўрта ҳунар-техника билим юрти 1977 йилда ташкил этилган эди. Дастлаб ҳунар масканининг қурувчилик ихтисоси бўйича 10 та гуруҳга 240 ўқувчи қабул қилинганди. Орадан икки йил ўтгач, у савдо билим юртига айлантирилди. Гуруҳлар сони 18 тага етказилди.

Бугунги талаб бошқача: республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқ хўжалиги, ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун энг зарур ихтисослар бўйича малакали кадрлар етказиб бериш керак. Ана шу мақсадда ҳунармандлар масканида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, илгарилари барча мактаблардан билим юртига тўғри келган ўқувчи қабул қилинган бўлса, эндиликда ҳунар ўрганишга келувчиларнинг касбга бўлган қизиқиши, интилиши эътиборга олиняпти. Шу каби ўқув йили олдидан корхона, ташкилот ва хўжаликлар билан қатъий шартномалар тузилмоқда. Бу шартномаларда қаерга қайси касбдаги қанча мутахассис кадр зарурлиги аниқ кўрсатиляпти. Шу асосда ўқувчилар ва гуруҳлар сони белгиланмоқда. Бу ўз навбатида ўзининг қувончли самараларини беряпти. Масалан, билим юртини ўтган йили 287 нафар ўқувчи битириб чиққан эди. Тез фурсатда уларнинг ҳамма иш билан таъминланди.

Мустақиллигимиз қадриятларимизнинг қадрини оширишга, миллий ҳунармандчилигимизни тиклашга кенг йўл очиб берди. Буни мазкур ҳунар маскани мисолидан кўрса ҳам бўлади. Негаки бугунги кунда бу ерда ёшлар сотувчилик, ошпазлик, радиотелевизор тузатувчи уста касблари билан бир қаторда кулолчилик, зардўзлик, пойабзал созлаш касбларини ҳам ўрганмоқдалар. Ишлаб чиқариш таълими устаси, ўқитувчилардан Зиёда Дониева, Моҳира Пардаева, Гулнора Даминова, Қаршибой Эргашев, Жангил Йўлдошева, Равшана Холниёзова, Фароғат Исмоилова, Мақсуда Тошмуродова, Саломат Тухтамишева ва Нуриддин Абдураҳмонов сингари серғайрат, ташкилотчи ва ташаббускор мураббийлар ёшларга чуқур назарий ва амалий билим беришда кучғайратларини аямаяптилар.

Ёшлар бу ерда фақат ҳунар ўрганибгина қолмасдан, ишлаб чиқаришда ҳам бевосита қатнашяптилар. Билим юрти тикувчилик, кулолчилик, зардўзлик гуруҳлари тайёрлаган буюмлар савдога ҳам чиқариляпти. Бунинг учун улар туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Оқтош шаҳар «Гулчеҳра» хусусий маиший хизмат кўрсатиш фирмаси, «Муслим» хусусий фирмаси билан узвий алоқада бўлиб, улар орқали ишлаб чиқарилган молларни аҳолига етказиб бериш-аётир. Масалан, Одил Муҳамедов ва Али Муминовлар раҳбарлик қилишаётган миллий ҳунармандчилик гуруҳи томонидан тайёрланган турли хил сопол буюмларни аҳоли хонадонларида кўплаб учратиш мумкин. Шунингдек, бу гуруҳлар ўқувчилари томонидан тайёрланган республикамиз тамғаси — гербига нафақат Нарпай тумани ва Оқтош шаҳри, балки қўшни туман корхона, ташкилот ва хўжаликларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Айниқса, мазкур гуруҳ талабаларининг буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ганчдан Амир Темур улкан бюстини маҳорат билан тайёрлаганликлари кўпчиликни лол қолдирди.

Ҳунармандлар масканида юз бераётган эзгу ишларда унинг директори, Ўзбекистон ҳунар таълими аълочиси Юсуф Бердиевнинг ҳам катта хизматлари борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Юсуф ака бундан 19 йил илгари оддий ўқитувчи бўлиб ишга келган эди. Мана, ўн йилдирки, у билим юрти директори сифатида ўзининг бутун куч-ғайратини, ташкилотчилик маҳоратини ёшлар тарбиясига, уларнинг касб-ҳунар эгаллашига бағишлаб келаётир.

**Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.**

## ИНТЕРНЕТ INTERNET

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

***Товламачиликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган Жорж Кобаясининг тўрт йил аввал тузган «Имтиҳон маркази» номли фирмасидан 6 минг долларга «ноёб» қаламни сотиболган ўқувчилар битириш имтиҳонларини ростдан ҳам аъло топшира бошладилар. Фош этилган жиноятнинг сири антиқа: уч соатлик фарқдан фойдаланган Кобаяси Нью-Йоркда имтиҳон топширганлардан олган тўғри жавобларни қаламларга жойлаб Лос-Анжелосда пуллаган.***

### МИСЛСИЗ МАШАҚҚАТ

Япон олимлари 21-асрда асосий энергия манбаи бўлувчи гелий изотопини ойдан ерга келтириш мақсадида 2003 йили ойга 15 мутахассис ишлай олувчи кема туширмоқчилар. Чунки унча кўп бўлмаган гелий изотопи АҚШнинг бир йиллик энергия эҳтиёжларини қоплай олиш қувватига эга.

### БУ ҲАМ БИР МУАММО

**БМТ ахборотига кўра, бугунги кунда дунёда 500 миллион киши семизликдан қийналаётган бўлса, 800 миллион инсон очликда кун кўряпти. БМТ бошчилигида Римда бўлиб ўтган халқаро конференцияга келган 173 давлат вакиллари ана шу масалани муҳокама қилдилар. БМТ яқин 20 йил ичида очлар сонини 400 миллионгача камайтириш ниятида.**

### КУТИЛМАГАН КЎРСАТКИЧ

Кўплаб инсонларнинг ёнгинларда нобуд бўлиши ёки юрак-қон томир касалликлари туфайли бевақт ногирон бўлиб қолишдан дунёда жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 200 миллион доллар зарар кўрилади. Кутилмаган кўрсаткич шуки, кўнгилсизликларнинг асосий сабаби тамаки чекиш экан.

### КУЛГИГА НИМА ЕТСИН

Кулги одамнинг иммунитетини мустаҳкамлайди. Кулги пайтида 80 дан ортиқ турли мускулларнинг ҳаракатга келиши мияга кислород етказилиш жараёнини ва натижада мия фаолиятини яхшилайди. Америкалик психолог Пол Экман 25 йиллик тадқиқотлари самараси сифатида ана шундай илмий далилларни эълон қилди.

*Иқтисод сабоқлари*

# МАРД КЕТАЙЛИК

**(Маркетинг)**

### ИПАКДАН ҲАЙКАЛ

Туркистон бозорига Хитойдан кириб келган ипакли матоларга ҳамма қойил қолган. Матолар ял-ял ёнади, юмшоқ, енгил. Қанча аёл ва қизлар ипакли либосларга орзуманд бўлиб «раҳматлик» бўлгандир. Уша даврда ипакли мато арзон эмас эди. У ҳаммага ҳам насиб қилавермасди, ҳатто бойларга ҳам.

Кимдур матони кўриб анграяди, кимдир қойил қолади, лекин ақли расолар эса ўйлайди: «Хитойликлар ипакли матолар тўқиган экан, бизнинг ҳам ақлимиз товонда, қўлимиз касов эмас-ку... Узимиз эплаб ишлай олмаймизми?» Аҳли донишмандлар: «Қани энди ўзимизда ипакли матолар ишлаб чиқарсак, деб орзу қилишган, ўйлашган.

Хитойликлар эса ипакли мато ишлаб чиқаришни махфий сақлашган, қисқаси «давлат сири» ҳимоя қилинган. Қанча жосуслар (қадимда ҳам иқтисод ва саноат айғоқчилари бўлган) Хитойга боришган. Кўплар фош бўлиб, қатл қилинган. Асрлар давомида қанча ҳукмдор ва савдогарларнинг сармояси ҳисобидан жунатилган айғоқчилар орасида бир тадбиркорнинг омади чопиб қолади. У Хитойда бир неча йил яшайди, кўради, ўрганади. Катта қийинчиликлар билан тадбиркор ипак қуртини топади. Қўлидаги хассасининг ичини ғовак қилиб, қурт уруғини жойлаб, ўнлаб текширувлардан сўнг Туркистон сарҳадига етиб келади... Сўнг ҳукмдорларнинг махсус ва махфий амрила ажратилган сармоя ҳисобидан одамлар ипак қурти боқишган, пилла етиштиришган ва ундан ипак йигириб, матолар тўқий бошлашган...

Биз буни жуда осонгина ёзиб қўйдик, аммо бу давр — жараёнда неча авлодлар алмашди. Тадқиқотлар олиб борилди. Оқибатда Туркистон аҳли ипакли матоларга эга бўлди.

Ипакчиликда жасорат кўрсатган, савобли ишга умрини бахшида қилган инсонлар-чи? Минг афсус, ипакли матоларни киямиз, «узумини еб, боғини суриштирмаймиз», балки шу матолар ила ул буюк зотлар ўзларига-ўзлари ҳайкал қўйгандир. Балким ул фидойилар руҳи гўзал ипакли либосларни кийган қиз ва жувонларнинг жилмайишида яшар. Ул зоти шарифларга «умрингдан барака топ», — дея дуои калом қилиш, амру жоиздир. Биз ҳам уларнинг қадр-қимматига етайлик.

Тарихдан олинган бу ҳикоят маркетингнинг ҳожатни чиқариш ва камёб молни кўпайтиришига мисол бўла олади.

Фаҳм-фаросатни, қаноатни ёзиб ўйласак борми, маркетинг кони фойда эканлигини ҳаммадан ҳам устунроқ идроклай оламиз. Мабодо калькулятор олиб ҳисобласангиз борми, тан олинмаган ва қиймати ўзига насиб қилмаган миллионерларнинг исмини ҳам кашф қиласиз. Афсус, тарихда уч кунлик хонлик қилганларнинг исми бор, аммо минг йиллик савоб иш қилганлар кўпчилигининг исм-шарифлари йўқ. Унутилган!

Бу рисоламизда баъзиларнинг кўнглига тегадиган сўз — «маҳсулот»ни жуда кўп такрорлаяпмиз. Аслида сир-синоат шу ердадир. Америкада ўртамиёна маошга машина сотиб олиш мумкин. Японияда металломга топширилган машиналарни сотиб олиб, миниб юришади. Бу давлатларда машина кўп ишлаб чиқарилади ва арзон. Ўртамиёна яшайдиган инсон сотиб олишга қодир...

Яхши яшашни истасанг, пулни эмас, маҳсулотни ҳисобла.

Келинг, бир ҳисоблашайлик.

### ҚАНЧА БЕНЗИН ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАМИЗ?

Келинг, ҳисоблашайлик. Биз қанча бензин истеъмол қиламиз?

Сизда машина йўқ, дейлик. Аммо, сиз машинага тушасиз. Дуконга нонни машинада олиб келишади. Сиз нондан оласизку, бензин пулини нонвойхона тўлайди. Ҳа, бу пул нонинг сарф-ҳаражатига қўшилиб, маҳсулот таннархини оширади.

Зийрак ўқувчи сезган бўлса керак: бензин ва нефть маҳсулотларининг нархи ошса, бошқа нарсаларнинг ҳам нархи ошади, сарф-ҳаражат қўшилади-да. Бошқа саволларни берайлик: «Киши бошига қанча қоғоз ишлаб чиқарилади? Сиёҳ, келинг шакар, музқаймоқ-чи? Оддийсини олайлик: «Қанча нон, гўшт, сабзи, картошка?» Билмайсиз. Хафа бўлманг, ўзим ҳам билмайман. Нега шундай? Бу ҳаётни биз сиёсат кўзи билан қарашга одат қилдик ва хоҳламаганни мажбур қилдик. Хом сут эмган банда тарихдан, яъни утмишдан биз сабоқ оламиз.

Маркетинг мавзусига тегишли бўлмаса-да, ҳаёт мажбуриятини битаётган китоб маркетинг оламини миллий кўз ила қараш ва англашдир.

Туркистон тарихида шу маҳалгача энг «олий» ғояларни сиёсатли ҳукмдорлар илгари суради. Асосийси сиёсат, кейин иқтисод эди. Не балолар бошимизга тушмади дейсиз, у ёғи узимизга маълум...

Республика мустақил бўлди ва президент Ислом Каримов давлатимиз амалини иқтисод оламини сиёсатдан устун қилиб қўйди.

Иқтисоднинг сиёсатдан устунлигини қандай англасак бўлади? Яқин орада ҳам иқтисод соҳасида катта ютуқларга эришган қаҳрамонлар бор эди-ку! Шахсан мен уларга ҳурмат билан бош эгаман, лекин иқтисодчилар сиёсатчиларга нисбатан бойроқ бўлади. Ва оилада, қариндош-уруғлар, дўстлар орасида қадр-қийматли бўлади.

Ким қаҳрамон, дейилганда ўз миллатига ва халқига кўп маҳсулот ишлаб чиқаришда жасорат кўрсатган, бош-қош бўлган ва амалга оширган инсонни англаймиз. Бу жуда ҳам осон ва ҳам мураккаб иш. Қадимда миллатнинг ғурури, ошонган ва суянган тоғи бойлар бўлган бўлса, кейинчалик зиёлилар, ишчи ва деҳқонлар синфидан етишиб чиққан илғор кишилар ҳисобланади. Тарихда давр талаб қилгандек эъзозли кишилар бўларди. Саркарда, жангчилар ва бошқалар. Олим уламоларнинг ҳам даври келган эди. Тарих талаби ила энди тадбиркор, бой ва бизнесменлар замони келди. Нега деганда, улар жамият ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладилар.

Маълумки, шу вақтгача тарихда асосий тан олингани сиёсат эди. Аммо давр иқтисод устунлигини амалда исбот этди. Мана бир мисол. Япония аслида феодал давлат эди. У иқтисодни ҳаммадан устун қўйди ва бутун жаҳон японларни тан олди.

Иқтисод оламида байналмилалчилик амали бор. Кимсан, отанг ким, ҳужжатинг борми каби ўнлаб тўсиқ саволларни тижоратчининг амалий иши ҳал қилади.

Ҳаётда, тарихда бундай воқеалар кўп содир бўлган, тан ҳам олинган. Аммо, устун қўйилмаган.

Иқтисод бизни жаҳон бозорига таклиф қилади. Кўр ва кўрсат ўзингни! Меҳнатда, илмда нималарга қодирсан?..

Бозор иқтисодини ўрганиш учун инсон нимани билиши керак? Баъзилар ўйлайди: «Чунтакда пул бўлса, бўлди-да. Мен бой бўлсам, қолгани бир тийин. Атрофимда бошқалар ялтоқланиб юради». Йўқ, ундай эмас. Инсоннинг бахтли яшаши давлати ва халқи билан боғлиқ бўлади.

Оддий савол: «Нега ер юзида инсонлар ҳар хил яшайди? Кимнингдир қорни нонга тўймайди, бошқаси эса «Худо беради» дейди.

Худо бизга (нафақат мусулмонларга эмас, ҳаммага берадиганини) ер, сув, осмон, ерни ҳамда ундаги бойликларни, фаҳм-фаросат билан англаб яшаш учун ақлни берган...

Ақл нима? Муҳрланган гувоҳномами? Диплом, аттестат ёки кўкракка тушган оқ соқолми? Ақл тушмагур металл эмаски, уни қизитиш, болғалаш ёхуд электр токини ўтказадими-йўқми, деб тажриба қилиб кўрилса...

Ақл ҳақида кўпгина доно фикрлар айтилган. Лекин...

### МАРКЕТИНГДА АҚЛНИ ЎЛЧАСА БЎЛАДИМИ?

Ҳа, маркетингда ақлни ўлчашади: қучоқлаб, торозига солиб, ҳисоблаб. Ақл — маҳсулот! Яъни «ким бой бўлса, пули бўлади, пули борнинг ақли бўлади»...

**Акбар ЮНУСОВ.**

Боши газетамизнинг ўтган сонида

# БИЗ СУВ ИЧГАН ЗИЛОЛ ЧАШМАЛАР

*Истиқлол шарофати билан маънавият, миллий қадриятларимиз булоқларининг кўзи очилди. Биз бу булоқларнинг зилол сувидан баҳраманд бўла бошладик. Бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини обикавсардек кўзимизга суртмоқдамиз.*

**Ислом КАРИМОВ .**

OLTIN MEROS танловига

## МЕҲРЛИ ОДАМЛАР

(Эртак)

ҚАДИМДА қишлоғимизда оқил, меҳнатсевар, куй ва қушиққа ихлоси баланд, бўйи-басти келишган, тенгқурлари орасида ярқ этиб кўзга ташланадиган, аммо ўта камтару камсуқум Рузимурод исмли йигит ота-онаси, опа-сингиллари билан бир хонадонда аҳил яшар эканлар.

Уша йигит ҳамиша қулида дўмбира ҳамда най олиб юрар экан. Қишлоқ атрофи хушманзара, баҳаво жой булганлиги учун, купинча йигит сокин, тинч жойларни ёхуд қишлоқнинг шимол тарафидан оқиб ўтадиган катта анҳор бўйига чиқиб, найда шундай нолалар қилар эканки, қишлоқ аҳли беихтиёр йигит атрофини ураб олиб жимгина най наволарини тинглар эканлар.

Байрам, ҳайитлар муносабати билан кечаси қишлоқ ўртасида гулханлар ёқилиб хотин-халаж, кекса отахонлар, ёш-яланглар тўпланишиб, ўйин-кулги қилишаркан.

Шундай кезларда ёшу-қари Рузимуродни яқин тутиб мурожаат қилишаркан.

— Кел, Муроджон ўғлим, ўзинг бир соз чалиб, қушиқ айтгин дейишаркан.

Йигит ҳам ҳамқишлоқлари сўзини ерда қолдирмай созни қулига оларкан-у, кўнгилга яқин оҳангда куйлаб юбораркан.

Шундай берилиб ашула айтар эканки, қишлоқ аҳли қушиқ сеҳрига берилиб, тебраниб утиришаркан.

Хуллас, йигит ўз дилидагини, юрак дардини қушиқ ва наво орқали ифодалар экан.

Рузимурод шу қишлоқлик, юзлари моҳ, қуллари гул, нозик-ниҳол Фиғона исмли гўзал бир қизни яхши кўраркан. Қизнинг ота-онаси ҳам меҳнаткаш булиб ўз бахтини ер-сувдан топган эканлар. Йигитнинг дардидан яқин дўстлари, онаси ва Фиғона хабардор экан. Шундай қилиб, Муроджон бир куни, анҳор бўйида узоқ утирибди ва қулидаги найда ўз дардини баён қилибди. Бир маҳал бундай қараса, вақт кеч булиб қолган экан. Шундан сўнг, тезда созларини қулига олибди-ю, уйига жунабди. Аммо... ёнгинасида турган оппоқ илонни пайқамай оёғи билан босиб кетибди. Бехосдан оёғининг юмшоқ нарсага текканини сезган йигитнинг беихтиёр юраги сесканибди, бундай яхшироқ қараб, ердаги оқ илонни кўрибди. Илон ҳам доим кўриб турадиган илонга ўхшамас, катта кўзлари пиёладай, боши узунсоч ва соқолга ўхшаш туклар билан қоплангган экан. Шунда янада қўрқинчли воқеа юз берибди, яъни илонга тил кириб: «Эй, йигит, сенга тангрим такрорланмас истеъдод берибди. Мен сенинг хонишингдан маст булиб утириб эдим. Бир вақтлар мен ҳам сен каби хушсуврат киши эдим. Сен мени назарингга илмадинг ва оёқ остида қолдирдинг. Мен жодуга учраб шу ҳолга тушиб қолдим. Энди сен ҳам мен чеккан азиятлардан татиб кур. Мен бажарган амалларни бажарсангина яна эл орасига қайтасан. Вақти келиб машҳури жаҳон буласан, ушангача «хайр» дебди-ю, кўздан ғойиб булибди.

Шу кундан бошлаб йигит бечора ўзида ғалати ўзгаришлар сеза бошлабди. Тез кунлар ичида баданида оқ доғлар кўпайиб кетибди. Бу нарсадан ота-она ташвишга тушибди. Бормаган, кўрмаган табиби қолмабди. Йигитни кўришган табиблар бош чайқашдан нарига утиша олмас экан.

Орадан кунлар ўтаверибди. Бир томонда ота-она, бир томонда Фиғона, бир томондан Рузимурод қайғуга ботибди, лекин ҳеч бирлари нима қилса йигит бу дардлан халос булиши мумкинлигини билишмас экан. Шунда йигит ўзича йўл тутиб, тарки дунё қилмоқчи булибди. Ота-она, ёру дўстлар йигитни аҳдидан қайтаришолмабди. Қулига созларини ҳамда бир неча китоб олиб қабристон томон кетибди.

Узига қабр қазибди, ёғочлар ва хашак қуйиб, қабр устини қуёш тушмаслик қилиб беркитибди. Шу тариқа ўша жойда макон қуриб, қабристонда яшай бошлабди. Бу ерда ҳам йигит тиним билмай куйлар машқ қилибди. Ўз дардини қушиқлар орқали ифодалаб, кечқурунлари қушиқлар айтаркан.

Ота-онаси, сингиллари, ҳамқишлоқлари ҳар куни йигитга ул-бул егуликлар олиб келишар ва қабр ёнига қуйиб йиглаб-йиглаб қайтиб кетишаркан. Йигитнинг хонишларини соатлаб тинглашар, беҳад ачинишаркан. Рузимурод уйидан кетган кундан бошлаб Фиғона хомуш булиб қолибди. Буни кўрган ўртоқлари унинг кунглига қараб, ҳар хил қизиқарли нарсалар ўйлаб топишаркан.

Шу тариқа кунлар, кунлар ортидан ойлар, йиллар ўтаверибди. Аста-секин қизнинг эшигидан унинг қулини сураб келувчилар қупайибди. Лекин ҳаммасига қизнинг рад жавоби айтиларкан. Ота-она ҳам қизига насиҳатлар қилмасин, Фиғона ҳеч ҳам унамабди. Бир гал: — Онажон, менга нечун Фиғона деб исм қуйдингиз, бутун умри давомида фиғон чекиб ўтсин деган эдингизми? — дебдию йиглаб ҳовлига чиқиб кетибди.

Она юраги жуда сезгир булади дейишади. Шунинг учунми, қизининг дардини тушунган онанинг юзларини кўз ёшлари ювибди. Қизга не-не бойвачча йигитлар оғиз солмабди, дейсиз. Фиғона ҳаммасига бир хил жавоб бераркан.

Рузимурод ота-онасининг қадди букилибди. Узлари одамови булиб қолишибди. Опа-сингиллари ҳам чекка-чеккада одамлардан яшириниб йиглаб-йиглаб олишаркан. Аҳил, меҳрибон қишлоқ аҳли оқсоқоллар бошчилигида бу хонадон аҳволидан хабарлашиб туришаркан, ўз навбатида ҳофиз йигитдан ҳам меҳрини аяшмас экан. Орадан бир куни кам етти йил утибди. Шу еттинчи йил туладиган куни кечаси йигит узоқ хониш қилиб нолалар чекибди. Найда мунгли куйлар чалибди. Куй ва қушиқ садолари қишлоқнинг чекка-чеккасидан олис хонадонларга ҳам етиб борибди.

Беҳад толиққан йигит қаттиқ ухлаб қолибди, уйқусида туш кўрибди. Тушига ўша анҳор бўйида етти йил олдин кўрган илон кирибди. Шу вақт илонга тил битиб: «Эй йигит, мен сенинг иродангга қойил қолдим. Сенинг севимли маҳбубанг - ҳам нақадар вафодор эканини кўрдим. Ота-онанг сени деб қайғуга ботди. Опа-сингилларинг сени бир дақиқа унутишмади. Қишлоқ аҳлининг ҳам сенга муҳаббати жуда баланд экан. Энг муҳими, одамларинг беҳад бир-бирига меҳр-оқибатли, аҳил ва иноқ экан. Мен буларнинг ҳаммасини кўрдим, ҳамма-ҳаммаси учун сен яшаётган шу замин одамларига ҳамду санолар айтаман. Сен эса мен ўйлаган амалларнинг энг оғирини танладинг ва бажардинг. Сенинг шу сабр-бардошинг сабабли сени яна одамлар орасига қайтараман. Тур ўрнингдан, бу кунги қуёш сенга битмас-туганмас бахт олиб келяпти. Бахтингни ёруғ юз билан қаршила, мени ўнутма, ҳаққимга дуолар қилиб тур. Мени авф эт. Энди эса хайр», деб йигитнинг пешонасидан ўпибди.

Урнидан сапчиб турган йигит ёнида ҳеч ким йўқлигини кўриб қўрқиб кетибди. Қул-оёғига кўзи тушган йигит туш кўрганлигини ва илон айтган гаплар ростлигига иймон келтирибди. Шодликдан ҳайқириб юборибди. Созини қулига олиб чаққонлик билан қабрдан ташқари чиқибди. Қараса, қуёш энди тоғ ортидан бош кўтарай деб турган экан. Ҳофиз баланд овозда шўхчан ашула бошлабди. Бу овоздан биринсирин қишлоқ аҳли уйқудан уйғониб кўчага отилишибди. Узоқдан Рузимуродни кўриб шу ёққа шошилишибди. Йигитнинг ота-онаси, опа-сингиллари биринчи булиб етиб келишибди. Йиғи аралаш кўришиб кетишибди. атрофга тумонат одам йиғилибди. Ҳамма ҳофиз билан кўришишга ошиқибди. Ҳофиз эса негадир кўзида чуқур мунг билан одамлар орасидан кимнидир излар, юраги фарёд қиларкан. Шунда чеккада қизлар орасидан ўзига боқиб турган бир жуфт ёшли кўзлар соҳиби билан нигоҳлари тўқнашибди. Беҳосдан Фиғона— Фиғонам менинг дея қичқириб юборибди ва қиз томон талпинибди. Қиз ҳам Рузимурод ака деб йигит ёнига ошиқибди.

Воқеага гувоҳ қишлоқ аҳли ҳам, ҳар икки ота-оналар ҳам кўп нарсага тушунишибди. Қишлоқ оқсоқоли одамларни тинчлантириб баланд ва хушнуд овозда — азиз қишлоқ аҳли, мана ҳофизимиз орамизга қайтди, агар хўп десанглар бугун катта тўй қилсак ва икки ёшни бошини бирлаштирсак, — депти.

Бу гапни қишлоқ аҳли шодлик билан қарши олиб ҳаммалари хайрихоҳлик билдиришибди. Шунда ҳофиз сўзлашга рухсат сурабди ва илон билан боғлиқ ҳодисани сўзлаб берибди. Менинг яна эл орасига қайтишимга сизларнинг меҳр-оқибатингиз, ота-онам, опа-сингилларимнинг муҳаббати, Фиғонанинг садоқати сабаб бўлди. Рухсат берсангизлар, Фиғонани бугундан бошлаб Жаҳона деб атасаларингиз.

Шу гапдан сўнг Жаҳона елкасига тушиб қолган рўмолини қайтадан бошига солиб қизарган қуйи бош эгибди. Қизнинг ота-онасининг розилиги билан кеча-кундуз тўй булибди. Қишлоқ аҳлига ош тортилибди. Бунга ҳамқишлоқлар ҳам ёрдам беришибди. Янги-янги ҳофиз йигитчалар, яллачи онахонлар қушиқни-қушиққа улабди.

Шу тариқа меҳр-оқибат, сабот ва аҳиллик натижасида қишлоқ аҳли тинчгина ҳаёт кечиришган экан. «Сабр таги олтин» деб бекорга айтилмаганда ахир.

**Ёзиб олувчи: Райҳон ЭРГАШЕВА, Қамаши туманидаги, кутубхона мудираси.**

## БЕШИК ТЎЙЛАРИДА АЙТИЛАДИГАН ТЕРМАЛАР

*Тошпулатжоним ўғилгинам,*
*Истаб олган туморгинам.*
*Отанг дўғидан чўчима,*
*Онанг жеркишидан чўчима.*

*Ўйна, ўсгин бекаму кўст,*
*О, кўплаб орттир ёру-дўст.*
*Боболаринг юмушин,*
*Оталаринг ҳам ишин,*
*Бажарувга уста бўл.*
*Камайтиргин ташвишин.*
*Ухлагино, кўзичоғим,*
*Ўйнаб ўсгин чорбоғим.*
*Элингга қанот бўлгин,*
*Камар баста алп бўлгин,*
*Бошгинанг тошдан бўлсин,*
*Чеҳрангдан нур ёғилсин.*
*Кўрганлар ҳавас қилсин.*
*Десин болам шундоқ бўлсин.*

## ТЎЙЛАРДА АЙТИЛАДИГАН ТЕРМАЛАР

*Тўй бўлару, тўй бўлар,*
*Тўйда семиз қўй бўлар.*
*Семиз қўйни бўғизлаб*
*Мезбон кўнгли хуш бўлар.*

*Ейиш-ичиш писандмас,*
*Ичган билан бўлмас мас(т)*
*Тинч ўтириб опамлар,*
*Суҳбат қурар басма-бас.*

*Ҳаммани ҳам етказсин*
*Қушша қуллаб тутқазсин.*
*Кўплаб бола фарзандин*
*Тўйларидир суннати.*
*Йўқ меҳмоннинг миннати.*
*Ўғли улғайсин уссин,*
*Замон етиб фурсати.*

*Даврa қурсин, эл кўрсин,*
*Ота-она муродин.*
*Қўйни болага тўлсин,*
*Йўқ, уволи, фарёди.*

## МАРСИЯЛАР

*Ўтди боланинг онагинаси,*
*Йиглаб қолди болагинаси,*
*Ойтумулла янгажонима,*
*Жонларини олиб кетдилар,*
*Эсизгина ҳовли тўйим,*
*Бизни кимга ташлаб*
*кетдингиз-о.*

* * *

*Кўзларимни ёшга тўлдирган,*
*Бору йўққа бизни кўндирган.*
*Бизни мудом кучга*
*тўлдирган,*
*Борин бериб, йўқни*
*ундирган,*
*Меҳрибоним отагинам-о.*

** *

*Етай деганда муродга,*
*Қадам қўйган ҳаётга.*
*Учмоққа шай бўлганда*
*кўкка,*
*Юрагимни бердимда ўққа,*
*Айт, кўзмунчоғим*
*болагинам-о.*
*Йиглаб бошим қайларга*
*урай-о.*

* * *

*Соқолингиз оқ эди,*
*Қалбингизчи пок эди,*
*Ҳовлимиз чорбоғ эди,*
*Фикрингиз чироқ эди.*
*Иш бошгинам эдингиз-о.*
*Тўқсон ёшли отагинам-о...*

**Ёзиб олувчи Эргаш АТОЕВ, Навоий вилояти Қизилтепа тумани, Тошработ жамоа хўжалиги.**

***Бу чеҳрадаги гуллаган ажинлар кечанинг, бугуннинг эмас, тарихнинг бир асрлик кечмишидан воқифлигини сўйлаб турибди. Агар илғаган бўлсангиз Меҳри момонинг қиров қўнган сочларида юзлаб баҳорларнинг, кузларнинг қувончу қайғулари сингиб қолгандек.***

***Дарҳақиқат, Меҳри момо бугун Янгийўл туманидаги «Янгийўл» жамоа хўжалигида истиқомат қилаяпти. Бу табаррук момо маҳалладаги ёшу қарининг маслаҳатчиси. Ўнлаб невара, чевара, эвараларининг севимли бувижониси.***

***СУРАТДА: Меҳри момо эвараси билан.***

## САҲИФАНИ АСҚАР ШОКИР ТАЙЁРЛАДИ.

Ўтмиш билгичларидан бири башариятни маърифат бахтиёр қилади, деган экан. Зотан, маърифат одамзоднинг кўзини очади, унга ўзлигини англатади. Шу маънода, куни кеча республика «Маънавият-маърифат» жамоатчилик марказида Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари билан уюштирилган маърифий суҳбат ҳам диққатга сазовордир. Учрашувни марказ раиси, ёзувчи Неъмат Аминов қисқача кириш сўзи билан очди.

Маълумки, юртимиз истиқлолга эришгач, улуғ боболаримиз хотирасини ёд олиб, уларнинг руҳларини шод этишга астойдил киришдик. Шахсан юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу муборак ишлар аждодларимизга нисбатан ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларимизни

*Маънавият*

## ТАБАРРУК ИЗЛАР ИЗИДАН

тўғрилаш, тарихий бой меросимизни тиклаш ва маънавий дунёмизни бойитишда улкан аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишни «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, ёзувчи Эркин Аъзамов бошқариб борди.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов сўз олиб, жумладан шундай деди:

— Экспедициямиз аъзолари яқинда Бобур юрган йўллар бўйлаб Хитой, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби ўнлаб давлатларда бўлиб қайтишди. Биз асосан улуғ боболаримиз мангу ором олиб ётган мақбараларни, улар бунёд эттирган маҳобатли ва муаззам иморатларни зиёрат қилдик. Бобур Мирзо қадамжоларини, Хитой, Афғонистон шаҳар ва қишлоқларини чексиз ихлос ва эҳтиром билан тавоф қилдик. Оддий меҳнат кишилари, кексалар, олимлар билан дўстона суҳбатлар қурдик. Ҳамма жойда сўз ҳазрати Бобурнинг нурли сиймоси ҳақида борди, бобурий боболарнинг шонли тақдири, ўлмас маънавий мероси бу қизғин гурунгларнинг туганмас мавзуи бўлди. Биз айниқса Хитой халқининг аждодларимизга бўлган ҳурматини юрак-юракдан тула ҳис қилдик. Айниқса, Ёркент шаҳридаги Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат зоти шарифлари қабрига қўйилган мармартош, маҳобатли мақбара бизда унутилмас таассурот қолдирди. У шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Ҳозирда ўтмиш алломалари ҳақида кўп ва хўп гапирилмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин... Таассуфлар бўлсинки, афғон тупроғига дафн қилинган аллома бобомиз Абу Райҳон Беруниийнинг қабри ниҳоятда қаровсиз ҳолда ётибди. Бундан ташқари Бобур Мирзо қурган ёки қайта қурдиган шаҳарларнинг, қўрғонларнинг, қишлоқларнинг кўпчилигини биз ҳали умуман билмаймиз. Бироқ эндиликда ана шу нарсаларни ўрганиш вақти аллақачон етиб келди. Ерли аҳолининг эътироф этишича, биз турган шу жойлардан Бобур Мирзо, Соҳибқирон Амир Темур, Абу Райҳон Беруниийлар ўтганлиги ҳақида маълумот ва уларга тегишли осори-атиқалар мавжуд. Биз етти иқлимга довруғи кетган боболаримиз изларидан одимлаётганимиздан ниҳоятда бахтиёр эдик.

Шунингдек, тадбирда атоқли адибимиз Пиримқул Қодиров, экспедиция аъзолари — журналист Фарруҳ Расул, қори Муҳаммадсодиқ Қосим, қўшиқчи Адҳамжон Исмоиловлар дил сўзларини изҳор этишди.

Экспедиция юз минг километрдан ошиқ йўл юриб, Андижон шаҳрининг қоқ марказида мағрур қад ростлаган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг суворий ҳайкали пойига қайтиб келдилар. Биз мухтасаргина ушбу мақолада унинг барча жабҳалари ҳақида батафсил тўхтала олмадик. Шу боис сафардан қайтган олимларимиз, қолаверса қалам аҳли ўз сўзларини айтади, деган умиддамиз.

Тадбир сўнггида йиғилганларга Бобур Мирзо қурдирган тарихий обидалар, Афғонистоннинг Ғазна вилоятидаги буюк аллома Абу Райҳон Беруний, туркий ҳукмдор Султон Маҳмуд Ғазнавий, Покистоннинг Лаҳур шаҳридаги шоира Зебуннисо, Уйғуристоннинг Ёркент шаҳридаги Фурқат қабрлари туширилган видео лавҳалар намойиш этилди.

**Улуғбек АКТАМ ўғли, ўз мухбиримиз. Зиёда ҒАФФОРОВА.**

## АБДИКАРИМ ПОЛВОН ҲАҚИДА ДОСТОН

Қадимда Нурота томонларда, Қамишлоқ қишлоғида бир онанинг Абдикарим исмли ерга урса сапчийдиган, кураги ерга тегмаган, алп қоматли, шер билакли ўғли бўлган экан. Абдикаримнинг акаси кунлардан бир кун оламдан ўтибди. Янгаси бефарзанд бева қолибди. Ўша даврнинг таомилига биноан энди у Абдикарим билан турмуш қуриши лозим эди. Аммо у бошқа бир кишига турмушга чиқади. Кунлардан бир кун ул кишининг қўйлари Қамишлоққа сувлагани келади. Абликарим янгасининг қилган ишига алами келиб чўпондан бир қўчқорни тортиб олиб қолади. Шунда чўпон қўчқор йўқолганлиги ҳақида шундай дарак берибди:

*Чамбилбелнинг айланаси*
*далади*
*Ул далада қўчқор қайтиб*
*қолади*
*Қамишлоқнинг суволтига*
*борганда*
*Абдикарим золим*
*олиб қолади.*

Шунда қўчқорнинг эгаси Қаландар исмли бойвачча Абдикарим билан синашгани боради. Иккови анча жанжаллашиб, Қаландар уйига оқшом тушганда қайтиб келади. Хотини қараса Қаландарнинг аҳволи оғир. Келиниям бува берди белини, туни билан жия берди элини. Эртасига қайнотасига бориб, ул кишини уйқудан ташвишлантирмаслик мақсадида шундай деди:

*Бой бўлиб мўйноқда*
*жўқдир пулингиз*
*Бек бўлиб бекликда*
*жўқдир синингиз*
*Ўрнингиздан тура қолинг*
*қайнота*
*Уршиб кепти бировминан*
*улингиз*

деб Қаландар бойвачча жон берибди. Қаландар бойваччанинг ўчини олиш учун ўша даврда Сиртисулув уруғига хун ташлашибди. Тўдов шунчалик катта бўлгач, бутун уруғ уни тўлай олмапти. Шунда эл келишиб Абдикарим полвонни тутиб беришга қарор қилибди. Абдикарим полвонни тутиш учун эл кўп уринибди, бу уриниш 40 кун давом этибди. Ҳеч иложини тополмагач Абдикаримнинг энг содиқ дўсти Душан полвонни кўндиришибди. Душан полвон эл, юрт, улус азобланмасин деб ўртага чиқиб Абдикарим, биз сен билан қиёматли дўстмиз, кел қора уйдан чиқ, бир бағримга босай, соғиниб кетдим, дебди. Абдикарим дўстининг бу сўзларига ишониб қора уйдан чиқибди, ёнида унинг машҳур синиқ қиличи боғлиқ экан. Душан полвон Абдикарим билан қучоқлашиб кўришиб, уни маҳкам ушлаб, бутун уруғга тутиб берибди. Уни арқонлар билан боғлашиб, отга ўтқазиб Нуротага олиб кетишади. Нуротага олиб келиб уни дор тагига ўтқазадилар.

*Заботага экдим терак*
*Абдикарим келгин берак*
*Олимхондан хабар келди*
*Энди сени осмоқ керак*
*дейишдилар*

ва Абдикарим полвонни дорга осдилар. Дор дош беролмади, қарс этди-ю, иккига бўлиниб кетди. Шунда жаллод эҳ, аттанг, бекор осган эканман, шунча одамларни осиб дор қилт этмаган эди, бул одам бехислат одам эмас экан, дебди. Абдикаримни оқ туяга ортиб, қон-қон йиғлаб онаси Оқбилак ойим келмоқда:

*Борарда отинг жўрғалаб,*
*Қайтарда қонинг*
*шўрғалаб,*
*Абдикарим, во болам.*

*Борарда отинг қамчилаб,*
*Қайтарда қонинг*
*томчилаб,*
*Абдикарим, во болам.*

*Етти қават тўн*
*кийганда,*
*Жебачига лойиғим,*
*Саккиз қават тўн*
*кийганда,*
*Саркардага лойиғим,*
*Абдикарим, во болам.*

*Томларга қўйган*
*нарвоним,*
*Курашларга чиққанда,*
*Жоврини жозиқ*
*полвоним,*
*Абдикарим, во болам.*

*Отларга минса Алидай,*
*Алининг эккан*
*толидай,*
*Энанг шўрлик ўйласа,*
*Ҳар бир сўзинг валидай,*
*Абдикарим, во болам.*

*Ўзлари одам жонидай,*
*Юзлари ширмон*
*понидай,*
*Абдикарим, во болам.*

Абдикаримни олиб келиб Қамишлоқдаги қабристонга дафн этдилар. Қамишлоқдаги қабристонда ҳалигача унинг қабри сақланиб қолган.

**Айтувчи Мусаллам момо УЛАШОВА. Ёзиб олувчи: Омон ҲАЙИТОВ, Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 21-мактаб илмий бўлим мудири.**

Долзарб мавзу

*«Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин».*

**И. А. КАРИМОВ.**

# МУСИҚА — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Мусиқа қадим замонлардан бери кишиларнинг шодлик ва ғамгин пайтларида энг яқин ҳамроҳлари бўлиб келган. Байрамларда, тўй-маросимларда шодликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлардан, мотам маросимларида турли марсиялардан фойдаланган бўлсалар, жангу-жадалларда аскарларга мардлик ва ботирлик бахш этадиган садолардан фойдаланиб келганлар.

Мусиқанинг инсон руҳиятига таъсири, унинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Зотан, ҳар бир миллатнинг ўз руҳиятига хос мусиқалари, қўшиқлари мавжуд. Туркий миллат вакиллари, айниқса, ўзбеклар фарзандлари туғилган кунидан алла айтиб, мусиқа асосида тарбиялашга катта эътибор берадилар. Ота-боболаримиз, момоларимиз ашулалар яратишда ҳикматли сўзлар, иборалар руҳида ёзилган шеърлардан кенг фойдаланганлар.

Ўзбек куй ва қўшиқларини дунё халқлари ҳам алоҳида қизиқиш билан тинглайдилар. Асримиз бошида Фарангистонга борган ўзбек мусиқачилари, ҳофизларнинг куй ва қўшиқлари дунёнинг турли чеккаларидан келган мусиқа мухлислари, мутахассисларида катта таассурот қолдирганини кўпчилик эшитган. Ҳатто, энг яхши куй ва қўшиқлар овозли гардишлар (патефон пластинкалари)га ёзиб тарқатилган. Шундай қизиқиш ҳозирги кунларда ҳам давом этиб, ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Олмония, Буюк Британия каби давлатларда ўрганилиб, илмий иш олиб бораётган кўплаб олимларни учратиш мумкин. Мамлакатимизнинг таниқли мусиқачилари, ҳофизлари ва халқ дасталарининг чет эллардаги чиқишлари кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда.

Таниқли бастакор, моҳир ғижжакчи Абдуҳошим Исмоилов: «Ўзбек чолғу асбоблари билан дунё халқлари мусиқаларини чалиш мумкин, лекин бошқа ҳеч бир халқ мусиқа асбоби билан ўзбек мусиқасини ўз жозибаси билан ижро этиб бўлмайди» — дейди.

Ўзбек куй-қўшиқларини ижро этишда одоб, ибо, тингловчига ҳурмат асосий ўринда туради. Уларни тинглаган, томоша қилган одамлар ўзларига тегишлича одоб намуналарини олсалар, мусиқа, пирҳикмат сўзлардан маънавий озуқа оладилар. Афсуски, кейинги йилларда ёшларимиз ружу қўйиб бораётган Ғарб мусиқаларида ноўрин шовқин, чолғучи ва ашула айтувчиларнинг беодобларча ҳаракатлари, ноўрин томоқйиртар бақириқлари кишини тарбиялаш ўрнига тарбияни бузишга кўпроқ ҳисса қўшишга хизмат қилмоқдалар. Бунга эса кўпчилик, хатто тарбиячилар ҳам унча эътибор бермайдилар. Шу ерда баралла: «Хой ўзбек, қаёққа қараб кетаяпсан» деб, жар солгинг келади.

Ғарбнинг шундай маза-матрасиз куй ва қўшиқларини эфирга тарқатишда ёшларга бағишланган вилоят телекўрсатувларида, Ўзбекистон радиосининг «Аланга» радиостудиясида ортиқча ружу қўйилмоқда. Бу борада гапирсангиз: «Болаларнинг қизиқишларини ҳам ҳисобга олиш керак-да!», деган жавобни эшитасиз. Ёшлар қизиқаркан деб қараб турилса, улар нималар қилишни хоҳламайдилар!? Уларга миллий қадриятлар асосида тарбия бериш чораларини кўришимиз керак. Албатта, бу соҳада радио, телевидение ва матбуотнинг аҳамияти жуда каттадир.

Ўзбек адабиёти дунё халқлари тан берадиган шеърий асарлар яратилганига қарамай, ўзларининг маъносиз шеърга ўхшаш сўзларидан фойдаланадилар. Айниқса, кейинги йилларда ашуладаги бир сўзни қайта-қайта такрорлашга ружу қўйилдики, бунда куй-ашула эшитиб дам олиш ўрнига асабинг бузилиб кетади. Иккинчидан, ашула айтаётган айрим қўшиқчилар шеърни қандайдир мусиқа остида ўқиб, уни битта ҳарфини чўзиброқ айтишни қўшиқ деб тушунмоқдалар.

Наҳотки ўзбек халқида ёшлар учун аталган куй ва қўшиқлар топилмаса? Одоб-ахлоққа доир эшиттириш ва кўрсатувларда ёшларнинг ичкиликка, чекишга ружу қўйган болалар кўпайиб кетаётганини куйиниб гапирилади. Лекин, тарбияни бузишга таъсир қиладиган куй-қўшиқларни эшитганда парво қилинмайди. Ичиш ва чекиш инсоннинг жисмоний саломатлигига салбий таъсир қилса, бундай куй ва қўшиқлар инсоннинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини эсдан чиқармаслик керак.

**Аҳмаджон РАШИДОВ,**

**Тўрақўрғон туманидаги 14-ўрта мактаб математика ва информатика фани ўқитувчиси.**

# МАЪРИФАТ — ИБРАТ

## «Шарқ юлдузи» журналининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовга уч савол:

— Янги 1997 йилги режаларингиз хусусида тўхталсангиз.

— Аввало устоз мураббийларни обуна мавсуми, қолаверса эшик қоқаётган янги йил билан таҳририят жамоаси номидан чин дилдан муборакбод этаман. Янги йил ҳаммамиз учун қутлуғ ва баракатли бўлсин.

1996 йил республикамиз аҳли учун ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан маълум бир кўтарилиш, камолот сари интилиш, маънавий юксалиш йили десам янглишмайман. Негаки мустақиллигимиз беш йиллигининг кенг миқёсда нишонланиши, бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилей байрами ҳамда юртбошимизнинг маънавият-маърифат масалаларини такомиллаштириш борасидаги қарор ва кўрсатмалари фикримизга яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги даврда бутун дунё жамоатчилигини безовта қилаётган, тезроқ олдини олиш зарур бўлган муаммолардан бири инсониятнинг иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи масаласидир. Демак тарбия умумбашарий дард, жамиятнинг инқирозга юз тутишидан сақлайдиган ягона йўл.

Шуни назарда тутиб, 1997 йилда ҳам сиз азиз ўқувчиларни турк адиби Аҳмад Лутфийнинг «Ойдинликлар сари» номли рўмонидан баҳраманд этиш ниятидамиз. Бу туҳфа пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассаламнинг ҳаётлари, ислом динининг шаклланиши ҳақидаги муфассал бадиий-тарихий асардир. Бундан ташқари Абдурауф Фитратнинг кўпчилик орифлар ҳозиргача тўлақонли ҳолда ўқишга орзуманд бўлган «Мунозара» асари ҳам сиз азизларнинг ҳукмингизга ҳавола этилади.

Таҳририятда жуда кўп шоир ва носирларимизнинг журналхонларга маъқул келадиган ижод намуналари борки, биз улардан навбати билан бериб бориш умидидамиз. Мисол учун Темурбекнинг «Дуо» қиссаси, Алишер Маҳсумовнинг «Иймон» рўмонидан лавҳалар, Улуғбек Абдулваҳобнинг ҳикоялари шулар жумласидандир.

Ўз-ўзидан аёнки, журналимизда таниқли адибларимиз Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тоҳир Малик, Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султоновлар ўз ижодлари билан қатнашадилар.

Носирлар қатори Чўлпон Эргаш, Йўлдош Эшбек, Икром Отамурод, Салим Ашур, Минҳожиддин Мирзо, Наби Жалолиддин каби шоирлар ҳам ўзларининг гўзал шеър ва достонлари билан сизларни хушнуд қиладилар.

Умуман олганда янги йил, янги режалар фақат сизларга нимадир бериш, қайсидир маърифий жиҳатдан дил салтанатингиз эгаллашга қаратилган.

— Жумладан журналингизда ўқитувчилар, тарбиячилар, умуман олганда маорифчилар учун зарур буладиган, уларнинг кундалик иш фаолиятларида асқотадиган қандай мавзулар, манбалар беришни мўлжаллагансизлар?

— Одам боласи туриш-турмуши, гапириши, феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, тафаккур тарзи орқали маҳлуқлардан ажралиб, ўзининг азиз мавжудот эканлигини — инсонлигини ҳар дақиқада исботлаб, инкишоф этиб боради. Шу баробарида барча имкониятларини эзгу ишларга сафарбар этмасдан, нафс балосига гирифтор қилиб, «азиз ва мукаррам»ликка-да, иснод келтиришдан тийинмайди. Кишини номига муносиб ҳолда сақлаб, жамиятга кўпроқ фойда келтирадиган қилиб тарбиялаш аввало ота-она ва сиз азиз тарбиячиларга боғлиқ.

Ота-она ва устозлар инсонга тангри таоло берган таъби назмни такомиллаштирадилар, адабиёт эса уни ривожлантиради. Демак адабиёт фақатгина адаб ўргатувчи бўлиб қолмасдан, балки жаҳолат ботқоғидан қутқарувчи ҳамдир.

Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, журналимиздаги ҳар бир мақола, бадиий асар, шеър ва ҳатто муқовада эълон этиладиган суратгача маърифатга тааллуқли, ўқитувчиларга тегишли, таъби назми бор кишиларга нодир манба.

Ўқитувчилар учун махсус ташкил қилинган матбуот органларининг деярли барчаси уларга қўлланма вазифасини ўтайди. Адабий-бадиий нашрлар хусусан «Шарқ юлдузи» журнали эса инсоннинг атроф-муҳитга муносабатини, илм-фанга алоқасини, ўз-ўзини чуқурроқ англаш лозимлигини, ҳиссий маданиятини юксалтиради. Ҳиссий камолот-башарият такомилини белгилайди.

Халқда, қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди, деган гап бор. Шу ўринда айтиш жоизки, журналимиз фаолияти истасак ҳам, истамасак ҳам маорифга келиб тақалаверади. Журналимиз айнан таълим-тарбия тўғрисида, у ердаги ҳаётий материалларни ёритишдан, уни бошқалардан фарқини кўрсатишдан кўра инсон камолоти ҳақидаги асарларни беришни афзал ҳисоблайди. Чунки маърифат насиҳат эмас, ибратдир. Адабиётни вазифаси ҳам гапириб бермайди, балки кўрсатади.

— Журналингиз мамлакатимиз ривожининг қайси жабҳаларига ўз ҳиссасини қўша олади деб ўйлайсиз?

— Мен бундай савол берилишини кутмагандим...

Мустақил республикамизнинг ҳамма жабҳаси биз учун яқин, айни замонда бизга чамбарчас боғланган. Давлатни давлат қиладиган, унинг нуфузини белгилайдиган, қудратини оширадиган жабҳа — унинг миллий мафкураси. Журналимиз ана шу жабҳада хизмат қилиб, давлатимиз тараққиётини янада юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Мен ўз сўзимни якунлар эканман, журналимизнинг тарғиботчилари—сиз азиз ўқитувчиларни ҳамиша биз билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб қолишингларга ишонаман.

Хуллас...

## «УЧАР ЛИКОПЧА»НИНГ АНИҚ ТАШРИФИ

Бу ҳақда Шарқий Чехия уфологлари ишонч билан гапиришмоқда. Чунки ўша дақиқада кўчада қўлида видеокамерасини кўтариб юрган икки киши тўсатдан ерни ёруғчироқлари ёрдамида ёритаётган тўқ сариқ рангдаги бир неча НУЖни кўриб қолишган ва уни тезда тасмага туширишган. Уфологлар НУЖнинг Чехияга илк ташрифини (ҳужжатларга кўра) XIX асрнинг охирига тўғри келишини таъкидламоқдалар. Ўшанда НУЖлар ташрифидан дарахт кесувчилар ва чўпонлар ўртасида безовталик келиб чиққан экан. Олимлар уларнинг бундай ташрифлари бежиз эмаслигини айтишиб келгуси йил баҳор, ёз ойларида НУЖлар пайдо бўлаётган ҳудудларни ўрганишмоқчи.

## ШАМОЛЛАШНИНГ ДАВОСИ... РУҲ

Оддий шамоллашнинг тузалиши нақадар қийинлигини биласиз. Уни тез даволаш бўйича дўхтирлар қанча заҳмат чеккани ва у натижасиз қолганди. Ҳатто Англияда шамоллаш касаллигини ўрганиш лабораторияси ёпиб қўйилган ҳам. Яқинда Америкалик профессор Сабрина Новик оддий, лекин тез даволайдиган дори топди. Биринчи синовлар шуни кўрсатдики, руҳ билан тайёрланган янги препаратнинг бир таблеткасини шимишнинг ўзида бемор одатдагидан икки баробар тезроқ тузаларкан. Олиманинг айтишича, агар таблетка шамоллашнинг илк нишоналари сезилгандаёқ истеъмол қилинса, шамоллашнинг олди олинаркан.

## БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

Бу ҳақда кўп эшитгансиз. Унинг бўйи 8 метр, эни 5 метр, узунлиги 6 минг километр ва унинг қурилиши эрамиздан аввалги 6-асрда бошланиб, худди шу кўринишда 600 йил аввал тугатилганини ҳам биласиз.

Қарангки, космонавтларнинг айтишича бу девор космосдан жуда яхши кўринаркан. Хитой халқи боболарининг бу меҳнати эвазига ҳар йили катта даромад олади. Бу девор устида 6 минг километр яёв юришмасада, бироқ бир кўриш истагида юрганлар оз эмас экан. Ҳамон дунё сайёҳларининг оёғи узилмаётир, бу девордан.

ана шунақа гаплар.

«Шуҳрат» медали соҳиби

# ДИРЕКТОР

Орамизда шундай фидойи инсонлар борки, улар ҳақида жўшиб ёниб гапирмаслик асло мумкин эмас. Чунки, бир озгина бепарволик қилсак, улардаги камтарлик хазинасини, одамийлик чашмасини, ҳалоллик қўрғонини, ўз қалбида ғолиб аскардек турган зулфиқор виждонини, хуллас, ибрат уммонини ҳечам пайқамай қолишимиз мумкин. Шунча ажойиб хислат — фазилатлар бир кишида мужассам бўлиши мумкинми?

Шу саволга тўлиқ жавоб олишни истаган киши Хатирчи туманидаги Тошпўлат Файзиев номли 20-ўрта мактабнинг директори Мамаражаб ака Исмоилов билан учрашиб, суҳбатлашмоғи керак. Ана шунда, у киши ҳақида биз қайд этган таърифу-тавсифлар бекорга айтилмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Мамаражаб ака 23 йилдан бери шу зиё масканида муаллимлик, қолаверса раҳбарлик қилиб келмоқда. Оддий ўқитувчиликдан мактаб директорлигигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Туманда 79 та мактаб мавжуд. Уларнинг ҳар жабҳадаги алоқаларини мувофиқлаштириб турувчи директорлар кенгашининг фаолият кўрсатаётганига ҳам анча бўлиб қолди. Мамаражаб ака ана шу кенгашнинг раиси.

Мамаражаб Исмоилов раҳбарлик қилаётган жамоанинг нияти, интилишлари битта: у ҳам бўлса, баркамол авлодни тарбиялаш. Ўғил-қизлар ҳам ўз навбатида ҳар йили фан олимпиадаларига қатнашиб туманда вилоят ва республикада ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Буни қуйидаги далиллардан ҳам билса бўлади. Ўтган ўқув йили ўқувчиларга экологик тарбия бериш муаммолари мавзусида ўтказган вилоят кўрик-танловида фақат шу мактаб ўқувчиларигина ғолибликни қўлга киритдилар.

— Мактабга туман пахта тозалаш заводи, навоий тоғ-металлургия комбинати ва бошқа кўплаб ташкилотлар катта ёрдам берди, — дейди Мамаражаб ака. — Мактабнинг ўқув биноларини қайта таъмирдан чиқаришда юқоридаги ташкилот ишчи-хизматчиларининг хизматлари ҳам кўп бўлди. Ҳозир билим масканининг ўзбек ва рус синфларида 1 минг 350 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Уларга 122 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ бераётир.

Яқинда Президентимиз Фармони билан мустақил давлатимиз ёшларига таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўрсатган хизматлари учун ушбу мактаб директори М. Исмоилов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Биз ҳам устозни юксак мукофот билан чин қалбдан қутлаймиз ва ҳорманг, толманг, шахдам одимингиз сусаймасин, мунаввар қалбингиз чироғи порлаб, яна узоқ йиллар давомида маърифат йўлларини ёритиб турсин, деймиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

Спорт

## СОҒЛОМ АВЛОД— ЮРТ КАМОЛИ

Ғиждувон шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги «Меҳнат резервлари» спорт жамияти шаҳардаги мактабларда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Зеро, ўқувчиларни спортга ошно этиш келгусидаги соғлом авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевордир. «Меҳнат резервлари» спорт жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган мактаб ўқувчилари спартакиадалари ва турли хилдаги мусобақалар шаҳримизда бўлажак спортчиларимиз талайгина эканлигини кўрсатди.

Шаҳар мактаблари орасида ун бешта спорт тури бўйича ўтказилган мусобақада 3-мактаб жамоаси 1-ўринни, 1-мактаб жамоаси 2-ўринни, 2-мактаб жамоаси эса 3-ўринни эгаллашди.

Ғиждувон шаҳар терма командаси вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилган ўқувчилар спартакиадасида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Бу мусобақаларда фаол иштирок этган Ш. Наимова, Х. Ҳакимова, У. Азизова каби ўқувчилар рағбатлантирувчи мукофотлар олишди. Етук, шижоатли спортчиларни тайёрлашда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тренерлари И. Азизов ҳамда Р. Турсунов жон куйдиришмоқда.

## ТАЙСОН ЁЗГАЧА КУЧ ЙИҒМОҚЧИ

Метиндек мустаҳкам Тайсон ютқизди. Америка учун бу қаттиқ зарба бўлди. Жанг олдидан ҳеч ким унчалик катта эътибор бермаган Холифильднинг ғалабаси кимнидир осонгина топтади. Биринчидан Эвандер Майкдан 4 ёш катта, иккинчидан у учинчи марта чемпионлик тожини кийишига қарамасдан юраги жиддий хаста. Шифокорлар унга катта спорт билан хайрлашиш керакligини кўп марта таъкидлашган...

Майк Тайсон Холифильд билан учрашуви учун 30 миллион долларга эга бўлди. Тайсон тарафдорлари унинг ғалабаси учун 25:1 ҳисобида пул тикишган бўлса, ўйин охирига бориб бу кўрсаткич 5/1 га камайиб кетди. Роб Террининг айтишича муъжиза рўй берди. Ўйин охирида пул дарёси Холифильд хамёнига оқиб кела бошлади.

...Рингга чиқиш олдидан Тайсон (222 кг)дан 7 кг енгил бўлган 34 ёшли Холифильд шартномага имзо чекаётганда ўзига дадил ишонаётганлиги кўриниб турарди. Чунки у жанг арафасида тайёргарликни жуда кучайтирган ва анча чиниққан эди. Тайсоннинг қамоқдан кейинги йиллардаги аҳволини яқиндан кузатганлар эса уни яхши формада эмаслигини таъкидлашган эди.

Шундай қилиб 6 раундда Холифильд рақибини кучли зарб билан йиқитди. Бу зарбдан сунг Майк бўшашиб борди. II раундда қаторасига 9 зарбадан ўзига келолмаган Майк ниҳоят енгилди. 37-сонияда Рефер Митч Хелпери ўйинни тўхтатишга мажбур бўлди.

Кўзи ёшланган Тайсон кийиниш хонасида ўтирар экан «тирик мол» сотишни жойига қўядиган агент Дон Кинг такрор учрашув вақтини белгилашга шошиларди. У «Холифильдда ҳаққим бор, бу бокс тарихида такрорланмас, буюк жанг булади, — деди.

Икки рақиб ҳам қайта учрашишга рози бўлишди.

Ҳаммамиз ҳам қачондир, ниманидир йўқотамиз. Ҳаёт шунақа, деб Тайсон яна кучга тўлиб яна қайта жангга кириши ҳақида айтди.

Холифильд ва Тайсон бундан беш йил олдин учрашишлари керак эди. Аммо баъзи бир сабаблар ва уч йиллик қамоқ туфайли учрашув энди юз берди. «Қайта учрашув қачон бўлади?» — деган саволга ўзининг 6 фарзанди даврасида муваффақиятини нишонлаётган Холифильд кучга тўлиб олганимдан сунг, деб жавоб берди.

Тайсон эса шу йилнинг 31 декабрини интиқлик билан кутмоқда. Шу куни у ўзининг турт оёқли суюкли дўстларини уйда сақлаш учун Огайо суди томонидан рухсат олиши керак. Унинг икки йўлбарси ва битта шери бўлиб, улар учун махсус уй қуришга киришган.

Мен Холифильд билан учрашиб, катта суммада пул ишладим. 30 миллион ҳазил гап эмас. Шундай экан, нега яна учрашмаслигим керак, деди Тайсон кулиб. Хуллас учрашув 1997 йилда ўтказиладиган бўлди.

**Улуғбек АҲРОРОВ тайёрлади.**

Қувноқ давра

## АФАНДИНИНГ ЎҒЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Насриддин Афанди ҳақидаги латифаларни кўп эшитганмиз. Лекин давраларда нима учун ўғли ҳақида ҳазил-мутойиба эшитмаймиз?

Ана шу мулоҳазалар болалар адиби Олим Маҳкамни кўпдан бери ўйлантириб келарди. Шу йўлдаги кўп йиллик изланишлар туфайли Афандининг ўғли ҳақида латифалар, болалар аскиялари ва интермедиялари, лофлар ва бошқа ҳазил-мутойибалар юзага келди. Адибнинг қаламига мансуб ҳазил-мутойибалар «Афандининг ўғли билан учрашув» номи билан китоб ҳолида нашр этилмоқда. Бу китоб мактаб саҳналарида, бадиий кечаларда, болаларнинг қувноқ давраларида асқотади. Бу саҳифамизда адибнинг Афандининг ўғли ҳақидаги ҳазил-мутойибаларидан намуналар бердик.

## АФАНДИНИНГ ЎҒЛИ ЛОФЧИЛАР ДАВРАСИДА

1-ЛОФЧИ — Бизнинг қишлоқда ўтган куни жуда кучли бўрон бўлди. Ҳатто баъзи дарахтларни илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлади. Симёғочларни хасдек қилиб учириб юборди.

ШЎХМИРЗА — Кечирасиз, ўшанда мендан хатолик ўтган экан. Укамнинг ерга тушган дўпписини олиб чангини пуфлаган эдим.

* * *

2-ЛОФЧИ — Биласизми, укам мактабга жуда тез отланади. Бир минут ичида ҳам туради, ҳам жисмоний машқ қилади, ҳам юз-қўл ювади, ҳам пирожнийни қўлига олади.

ШЎХМИРЗА — Менинг укамга қараганда секин отланаркан. Ўзим кўзини очадию «Ойи, пирожнийим қани?» деб сўрайди.

* * *

3-ЛОФЧИ — Мен тўгаракда бир робот ясадим. Ҳар куни эрталаб роппа-роса етти яримда тепамга келиб: «Туринг, Анвар ака, мактабга отланинг» дейди.

ШЎХМИРЗА — Мен ясаган робот унданам зўр. Менинг роботим чой дамлаб пиёлага қуяди, унга асал солиб қошиқда аралаштиради. Сўнг қўлимга тутқазиб «ёқимли иштаҳа» деб қўяди.

**Олим МАҲКАМ.**

Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб жамоаси шу мактабнинг хитой тили ўқитувчиси

**Олимжон ИДАЕВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар Тўйманова, Алишер Назаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.